

Уларга жавоб қилмайман



08:00 / 17.07.2020 1598

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ шогирдлари билан дарс қилиб ўтирган эдилар. Бир нодон келиб, Аҳмад ибн Ҳанбални сўқиниб, куракда турмайдиган сўзларни айтиб ҳақорат қилди. Шунда шогирдлари: «Эй Абу Абдуллоҳ, бу тентакка жавоб қайтаринг, шунча гапирса ҳам индамай ўтираверасизми?» дейишди. Имом Аҳмад шундай дедилар: «Йўқ. Унга жавоб қайтармайман. Бундай қилсам, Қуръондаги ушбу оят қаерда қолади:

«Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда «Саломатлик бўлсин!» деб жавоб қиладиганлардир». (Фурқон сураси, 63-оят).